

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Трансийулкурилиш Карши»  
МЧЖ директори  
Т.Расулов  
2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Қарши-2022

# **Танлов хужжатларининг Мазмани:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

## **Танлов Иштирокчиси учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрельдаги ЎРҚ-684-сон-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидалари тўғрисида”ги Қонунга асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлиги “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этигш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

### **1. Танлов Предмети ва тахминий қиймати**

**1. Танлов предмети:**

-“Трансйўлқурилиш Қарши” МЧЖ Қашқадарё вилояти Ғузор тумани А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» км(0-15) реконструкция қилиш ишларида Алоқа линияларини қуриш ишлари учун 1 300 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2 Бажариладиган ишлар бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

**1.3. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-шартнома тузилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. Танлов Ташкилотчилари**

2.1 “Трансйўлқурилиш Қарши” МЧЖ (бундан кейин –“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили Қашқадарё вилояти Қарши шахри А.Навоий-5

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. Белгиланган муддатларда ўтказилади.

2.3. Танлов “Трансйулкурилиш Карши” МЧЖ биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган камидаги 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камидаги 20 фоиз микдоридиги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисиларнинг мавжудлиги;

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лайоқати ва ваколатлар;

Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

Ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағ микдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибда мувофиysi тегишли лицензияга эга бўлган талабларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмади:

Қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон куринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов ва таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «Буюртмачи» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатарида қўйидаги тақдим этилиши лозим:

-Техник қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсатгичлар курсатилган бўлиши керак.

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ курсатгичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган холда тақдим этилиши лозим.

#### 4.4. Қуидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ва ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

#### 4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугаганга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатиласкан тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бирга вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров

юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки куни ичида давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат бўюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатлариниг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзgartирмаслиги керак.

7.3. таклифларни кўриб чиқиб ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиб ва баҳолаш баённомаси эълон қилинадиган сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат бўюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

т/р	Иш хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Умумий Суммаси
1	Алоқа линиясини қуриш пудрат ишларини бажариш	КМ	7	1 300 000 000,00
	<b>Жами:</b>			